

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**САБИРОВ ДЖАХОНГИР РУЗИЕВИЧ**

**ҚИЗИЛҮНГАЧ САРАТОНИ ЖАРРОҲЛИГИДА  
ВИДЕОАССИСТИРЛАНГАН ТРАНСХИАТАЛ ЭЗОФАГЭКТОМИЯ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Сабилов Джахонгир Рузиевич**

Қизилўнгач саратони жарроҳлигида видеоассистирланган  
транспиатал эзофагэктомия ..... 3

**Сабилов Джахонгир Рузиевич**

Видеоассистированная транспиатальная эзофагэктомия  
и хирургия рака пищевода ..... 24

**Sabirov Djakhongir Ruziyevich**

Video-assisted transhiatal esophagectomy and  
esophageal cancer surgery ..... 44

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**САБИРОВ ДЖАХОНГИР РУЗИЕВИЧ**

**ҚИЗИЛҮНГАЧ САРАТОНИ ЖАРРОҲЛИГИДА  
ВИДЕОАССИСТИРЛАНГАН ТРАНСХИАТАЛ ЭЗОФАГЭКТОМИЯ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib81 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кротов Николай Фёдорович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жўраев Миржалол Дехқонович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Курбанов Тилла Курбанович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Қозон давлат тиббиёт академияси**  
**(Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc. 04.12.2018.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази интернет Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунёда атмосфера ҳавоси таркибини кимёвий зарарланиши, аҳолининг алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилишининг кун сайин кўпайиши ўсма касалликлари даражасини ва ўлим кўрсаткичини ортишига олиб келмоқда. Ўсма касалликлари орасида қизилўнгач саратони (ҚС) –дунёда 8 ўринни эгаллайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг 2017 йилдаги статистик маълумотларига кўра дунёда «...14 миллион хавфли ўсма касаллиги аниқланиб ва ушбу хасталиқдан 8 миллион киши вафот этиши кайд этилган...»<sup>1</sup>. ҚС билан хасталанган беморларда нисбий беш йилгача бўлган умр куриш давомийлиги 10-15% дан ошмайди. Шунини инобатга олиб ҚСни даволашда хирургик усуллар самарали бўлиб, операция давомида юқори даражадаги травматик жараёнлар, амалиётда учрайдиган асоратлар, замонавий хирургик амалиётни амалга оширишни тақоза қилади. ҚСда даволаш мезонларни ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, операция жараёнини технологик усуллари, кейинги тактикасини танлаш учун махсус даво мезонларини ишлаб чиқиш ҳал қилиниши лозим муаммоларидан биридир.

Жаҳонда қизилўнгач саратони жарроҳлигида трансхиатал эзофагэктомиyani такомиллаштиришнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, қизилўнгач саратони ривожланишига таъсир қилувчи эндоген ва экзоген омилларнинг ўрнини асослаш, миниинвазив эзофагэктомиянинг аҳамияти ҳамда видеоассистирланган гибридли трансхиатал эзофагэктомия усулини ишлаб чиқишдан иборат. Трансхиатал эзофагэктомия операциясини медиастенал лимфодиссекция босқичида, қайталанувчи нерв йуналишидаги паратрахеал ҳамда бифуркацион лимфоколлекторларни олиб ташлашда прецизион техникасини қўллаш орқали такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш борасида қатор вазифалар юклатилишига қармасдан, хавфли ўсма касалликларини сони кун сайин ортиб бормоқда. Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> вазифалар белгиланган. Белгиланган вазифалар аҳоли орасида онкологик касалликларни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш

<sup>1</sup>World Health Organization. Cancer: fact sheet no.297.World Health Organization website. 2018.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш орқали қизилўнгач саратонини хирургик даволаш самардорлигини ошириш ва ўлим даражасини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866–сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хавфли ўсманинг эрта диссеминацияси қизилўнгач саратони аниқланган беморларда касалликнинг салбий ҳолатларини тушунтиради. Қизилўнгач саратони тарқалиш кескинлиги бўйича энг юқори индексига эга бўлиб, ўсмалар орасида 0,87 га тенг. Ўсма касалликлари орасида ташхис қўйилгандан кейин йил давомидаги ўлим кўрсаткичи бўйича ҚС биринчи ўринни эгаллайди. Ташхис қўйилгандан сўнг биринчи йил ичида беморларнинг 65-80% вафот этиши, касалликнинг маҳаллий шаклида беш йиллик умр кўриш давомийлиги 37,8%ни, лимфа тугунларидаги метастазлар юзага келганда кескин даражада қисқариб 19,8%ни, узоқ метастазларда 3%ни ташкил этиши қатор илмий ишларда асосланган (Darling G., 2009; Yuwei Zhang., 2013; Mitzman B., Lutfi W., Wang C.H., Krantz S., Howington J. A., Kim K.W., 2017). Бу беморларнинг  $\frac{3}{4}$  қисмини ихтисослашган касалхонага касалликнинг III-IV босқичига ўтгандан сўнг мурожаати билан боғлиқ бўлиб келмоқда. Замонавий онкологиянинг эришилган ютуқлари янги технологияларни қўллашга қарамадан касаллик босқичининг ўтказиб юбориш сони, асоратлар фоизи ва мазкур касалликдаги ўлим сезиларли пасайиш тенденциясига эга бўлмай юқори даражаларда қолмоқда. Кўплаб хорижий муаллифлар фикрича қизилўнгач резекцияси ҚС касаллигининг эрта босқичларида стандарт даволаш усули бўлиб қолмоқда (Тюляндин С.А., 2010; Lee Thomas J, 2013). АҚШнинг умумлашган ўсма касалликлари Миллий тармоғининг тавсияларига асосан, бўшлиқ ичи эндоскопик жарроҳлигига альтернатив усули сифатида ҚСнинг T<sub>1a</sub> ҳамда T<sub>1b</sub>N<sub>0</sub> босқичларида фақат жарроҳлик йўли

билан даволаш тавсия этилган. ҚСнинг янада кенг тарқалган босқичларида жарроҳлик амалиётидан олдинги кимё нурли даволаш билан мультимодал ёндошув тавсия этилади. Тиббий онкологиянинг Европа жамияти клиник тавсияларида кўрсатилишича маҳаллий лимфа тугунлар шикастланишида умр кўриш давомийлиги 25% дан ошмаслигига қарамасдан жарроҳлик йўли билан даволаш касалликнинг эрта босқичларида стандарт ёндошув бўлиб ҳисобланади ( $T_{is}-T_2N_{0-1}$ ). Жараён кенг тарқалган ҳолатларда ( $T_3-T_4N_{0-1}$ ) қўлланиладиган жарроҳлик усули билан даволаш, мустақил даволаш усули сифатида хавфли ўсманинг кенг тарқалган ҳолатлари учун стандарт ёндошув бўлиб ҳисобланмайди, чунки, рТ3 да радикал резекция фақат 70%да ва рТ4да 50%да, радикал жарроҳлик усули билан даволашдан сўнг беш йиллик умр кўриш давомийлиги 20%дан ошмайди. Касалликни мос келган босқичлари учун операция жараёнида камида 15 лимфа тугунни олиб ташлаш зарур. Муаллифлар шундай хулосага келишдики, МІЕни бажариш имкони мавжуд ва у хавфсиз амалиётдир (Omloo J.M., Law S.Y., Launois B. et al. 2009; Papenfuss W.A., Kukar M., Attwood K., Kakarla V.R., Chousleb S., Hochwald S.N., Nurkin S.J., 2014). G.B. Hanna ва ҳаммуаллифлар 1990 йилдан 2012 йилгача бўлган вақт оралиғида нашр этилган ҚСда миниинвазив эзофагэктомия (ЭКИЭ)га бағишланган энг йирик 34 тадқиқотларни танлаб олдилар. Муаллифлар жарроҳлик амалиётининг якуни ва жарроҳлик техникасининг кенг вариабеллигини қайд этдилар, жумладан жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар таснифига ягона ёндошувнинг мавжуд эмаслиги ва кўплаб тадқиқотларда лимфодиссекциянинг тавсия этилган ҳажмини бажарилмаслигига эътибор қаратдилар (Стилиди И.С., 2004; Давыдов М.И., 2007; Orringer M.B., Marshall B., Chang A.C., Lee J., Pickens A., Lau C. L., 2007). Юзага келган хулосалардан бири сифатида шуни таъкидлаш жоизки, МІЕни ОЭ билан солиштиришга бағишланган тадқиқотлардан олдин яна бир бор иницирланмасдан МІЕда жарроҳлик ёндошуви бўйича келишув консенсиси зарур деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистонда қизилўнгач саратонини ташхислаш ва самарали даволашнинг жарроҳлик усуллари кўллаш борасида қатор ишлар бажарилган (З.М. Низамходжаев 1999, Е.А. Лигай, 2017), қизилўнгач сартонининг маҳаллий тарқалишида хавфли ўсамаларни ташхислаш ва самарали даволаш тизимини такомиллаштирилган (Р.В. Хайрутдинов, 2012; О.М. Гулямов, 2018), бироқ, қизилўнгач саратони жарроҳлигида видеоассистирланган трансхиатал эзофагэктомиyani оптимал тизими яратилмаган.

Олиб борилган адабиётлар таҳлиллари шундай гувоҳлик берадики, ҳозирги даврда кам жароҳатли усулларни қўллаш, умумий ва рецидивсиз умр кўриш давомийлилик кўрсаткичларини камайтиришларсиз жарроҳлик амалиётидан кейинги бевосита асоратлар фоизини пасайиши, замонавий онкологиянинг ҳал этилмаган муамоларидан бири сифатида қаралади. Касалликнинг қониқарсиз натижалари ва ўлим ҳолатларининг юқори фоизларда бўлиши ва турмуш даражасининг пастлиги ушбу соҳада келгусида изланишлар олиб боришга туртки бўлади.

**Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режаси ва амалий илмий грант ИТСС-9-2 «Турли локазациялардаги хавфли ўсмаларда лимфодиссекцияга кўрсатмалар ҳажмини аниқлаш ва самарадорлигини баҳолашда янги технологияларни ишлаб чиқиш» (2009-2012) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қизилўнгачнинг кўкрак соҳаси саратонини гибридли видеоассистирланган трансхиатал эзофагэктомия усулида хирургик даволашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

анаъанавий операцион техникадан фойдаланилган тартибда қизилўнгачнинг абдоминоцервикал экстрипациясининг самарадорлигини баҳолаш;

видеоассистирланган гибридли трансхиатал эзофагэктомия усулини ишлаб чиқиш;

видеоассистирланган гибридли трансхиатал эзофагэктомия усулини натижалари ва самарадорлигини, ушбу усулнинг афзаллик ва камчилликларини баҳолаш;

тавсия этилган хирургик амалиётнинг самарадорлигини қисқа ва узок асоратларининг таъсири асосида баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасида 2001-2017 йилларда 127 нафар қизилўнгач саратони билан хасталанган стационар даволанган беморлар хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб жарроҳлик амалиётидан сўнг миниинвазивли гибридли эзофагэктомиянинг натижалари таҳлили хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун клиник, инструментал, морфологик ва статистик текширув усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

қизилўнгач саратони билан хасталанган юрак ва ўпка етишмовчилиги мавжуд беморларда қизилўнгачнинг ўрта-пастки кўкрак қисмида жойлашган ўсмаларни мобилизацияси ва медиастенал лимфодиссекция босқичида гибридли трансхиатал экстрипацияси асосланган;

трансхиатал эзофагэктомия операциясида кукс оралиғи тузилмалари, қайталанувчи нерв йуналишидаги паратрахеал ҳамда бифуркацион лимфоколлекторларни олиб ташлаш прецизион техникаси қўллаш орқали такомиллаштирилган;

қизилўнгач саратонида миниинвазив гибридли трансхиатал экстрипацияси медиастенал лимфодиссекцияни 2F ҳажмда бажаришни радикаллик характери исботланган.



миниинвазив гибридли трансхиатал экстрипациясида прецизион техникаси кўллаш орқали интраоперацион қон йўқотишни камайтириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат.

қизилўнгачнинг қуйи кўкрак бўлими саратонини жарроҳлик даволаш усули миниинвазив гибридли эзофагэктомияни кўллаш натижасида жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар сонини камайтириш баҳоланган;

операциядан кейинги шифохонада бўлиш даврини камайиши ҳамда даволашга кетадиган сарф харажатни қисқариши ҳисобига беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкони берган;

қизилўнгач хавфли саратони беморларини ҳаёт кўриш давомийлигини оширишга имкон берувчи анъанавий трансхиатал эзофагэктомияга нисбатан миниинвазив гибридли эзофагэктомиянинг афзалиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, биокимёвий, инструментал, морфологик ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, маълумотларга статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қизилўнгачнинг кўкрак қисми хавфли ўсмасини ташхислаш ва даволашнинг ўзига хосликларини ўрганишга ўзининг сезиларли ҳиссасини кўшади. Жараён босқичи ва ўтказиладиган даволаш самарадорлигига боғлиқ ҳолда ҚСни ташхислаш ва даволашга комплекс ёндошув ишлаб чиқилди. ҚСда миниинвазив аралашувни олиб бориш мақсадга мувофиқлиги исботланди. Ишнинг алоҳида натижалари қизилўнгач хавфли ўсмасини ташхислаш, жарроҳлик йўли билан ва комплекс даволаш тизимини назарий методологиясини такомиллаштириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қизилўнгач кўкрак қисми саратонида жарроҳлик аралашувининг миниинвазив усулини клиник амалиёт учун ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек тактик-техник аспектларни такомиллаштириш жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни камайтиришга, ўрин-қунлар сонини қисқаришига, ҳаёт сифтини яхшилаш ва иш қобилиятини тиклашга, шу билан мазкур тоифа беморларини даволашга бўлган сарф харажатини қисқартиришга имкон бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қизилўнгач саратони жарроҳлигида видеоассистирланган трансхиатал эзофагэктомияни такомиллаштиришни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Қизилўнгач саратонида трансхиатал эзофагэктомиянинг модернизацияланган усули» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни

сақлаш вазирлигининг 2019 йил 6 мартдаги 8н-д/51-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма қизилўнғач саратонини операция қилиш сифатини яхшилаш, жарроҳлик амалиётига сарфланадиган вақтни қисқартириш, бунинг натижасида асосий мобилизация босқичини камайтириш, интраоперацион қон йўқотиш ва гемотрансфузия ҳажмини камайтириш имконини берган;

Қизилўнғач саратони жарроҳлигида видеоассистирланган трансхиатал эзофагэктомияни такомиллаштириш сифатини яхшилаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг торакал онкохирургия бўлими, Самарқанд ва Тошкент шаҳар филиалларининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 6 мартдаги 8 н-д/122-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши қизилўнғач хавфли ўсмаси ташхисланган беморларга ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш, шунингдек, даволаш сифатини яхшилаш ва жарроҳлик амалиётидан кейинги ўпка асоратлари ҳамда касалхонада бўлиш давомийлигини қисқартириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та ҳалқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 106 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, иш натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қизилўнғач саратони жарроҳлигида видеоассистирланган трансхиатал эзофагэктомиянинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида меъданинг рецидивли саратонини даволаш масаласи бўйича илмий маълумотлар кенг таҳлил қилинган,

танқидий баҳоланган, маълумотлар умумлаштирилган ва тизимлаштирилган. Хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг манбаларини илмий асосда таҳлил қилинган. Келгусида ҳал қилишни талаб қиладиган долзарб масалалар ўрганилган. Касалликдаги ташхис масалалари, қўлланиладиган даволаш чора-тадбирларини танлаш, қўлланиладиган усулларнинг афзаллик ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «Қизилўнғач саратони жарроҳлигида видеоассистирланган трансхиатал эзофагэктомия самардорлигини ташхислаш материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда иштирок этган беморларнинг умумий тавсифи бўйича, шунингдек, қўлланилган текшириш усуллари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Мазкур илмий ишда РИОваРИАТМнинг торокал онкожарроҳлик бўлимида 2001 йилдан 2017 йилгача бўлган вақт оралиғида қизилўнғач кўкрак қафаси хавfli ўсмаси билан хасталанган 127 нафар беморларда олиб борилган жарроҳлик, комплекс, комбинациялашган даволаш натижалари ўрганилган.

Асосий гуруҳни 74 нафар бемор ташкил этиб, уларга 2006 йилдан 2017 йилгача гибридли видеоассистирланган техникани қўллаш билан реконструктив-тикланиш операцияси қўлланилди, назорат гуруҳини 53 нафар бемор ташкил этиб, уларда 2001 йилдан 2006 йилгача қизилўнғач кўкрак қафаси саратонида трансхиатал эзофагэктомияда анъанавий техникани қўллаш билан жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Бизнинг тадқиқотларимизда ҚХЎ кўкрак бўлимини жарроҳлик усули билан даволашнинг босқичи, прогнози ва тактикасини аниқлаш учун TNM UICC, AJCC 7-чи қайта кўриб чиқилган халқаро таснифи қўлланилди (1-жадвалга қаранг).

127 нафар текширилувчилардан: эркаклар 59 (46,45%) нафар, аёллар - 68 (53,54%) нафарни ташкил этди. Ёш нуқтаи назаридан беморлар қуйидагича бўлинди: 30-44 ёш-14 (11,0%); 45-59 ёш-61 (48,0%); 60-74 ёш-51 (40,2%), 75-89 ёш-1 (0,8%). 127 нафар беморнинг жарроҳлик, комплекс ва консерватив даволашга боғлиқ ҳолда олинган маълумотлари гуруҳларга тақсимланди, улар жинс, ёш, йўлдош касалликлар бўйича репрезентатив бўлиб ҳисобланди ( $P>0,05$ ).

#### 1 -жадвал

#### Қизилўнғач саратонининг босқичли TNM-таснифи натижалари бўйича беморларнинг тақсимланиши

Босқичлари	TNM	Беморлар сони (n=127)			
		асосий (n=74)		Назорат (n=53)	
		абс.	%	абс.	%

II	$T_2N_{0-1}M_0$	1	1,35%	2	3,77%
	$T_3N_0M_0$	1	1,35%	1	1,88%
III	$T_{1-2}N_2M_0$	31	41,89%	17	32,07%
	$T_3N_{1-2}M_0$	38	51,35%	31	58,49%
IVA	$T_{4a-4b}N_{турли}M_0$	3	1,05%	2	3,77%
жами		74	100%	53	100%

Диссертациянинг «Видеоассистирланган гибрид трансхиатал эзофагэктомия» деб номланган учинчи бобида қўлланилган асосий усуллар таҳлил қилинган: жарроҳлик аралашуви ўтказилган беморларни текшириш тавсифи, шунингдек ўтказилган жарроҳлик аралашувининг асосий босқичлари ва техникаси баён этилган.

Хавфли ўсманинг морфологик кўринишига мос ҳолда қиёсий кўрсаткичлар ва патологик жараёни ўсиш тавсифи ўрганилган (2- жадвалга қarang).

## 2 - жадвал

### Текширилган беморларнинг қиёсий кўрсаткичлари

Маълумотлари		Таққослаш гуруҳи				$\chi^2$	P
		Асосий гуруҳ (n=74)		Назорат гуруҳи (n=53)			
		абс.	%	абс.	%		
Ясси хужайрали ўсмалар		69	93,24	49	92,45	0,03	>0,05
Аденокарцинома		5	6,75	4	7,54	0,03	>0,05
Ўсиш шакли	Экзофитли	28	37,83	23	43,39	0,40	>0,05
	Эндофитли	19	25,67	15	28,3	0,11	>0,05
	Инфилтрат- ярали	10	13,51	6	11,32	0,13	>0,05
	Аралаш	17	22,97	9	16,98	0,68	>0,05
жами		74	100%	53	100%		

Асосий гуруҳ беморларидаги хавфли ўсма жараёнининг бошланиши ўртача  $29,4 \pm 0,52$  см (олдинги кесмаларга нисбатан) ни, қиёсий гуруҳда  $28,4 \pm 0,47$  см ни ташкил этди; хавфли ўсманинг латерал чегараси биринчи гуруҳда  $38,3 \pm 0,38$  см, қиёсий гуруҳда  $37,7 \pm 0,65$  см. Хавфли ўсма жараёнининг давомийлиги асосий гуруҳда  $5,4 \pm 0,18$  см, қиёсий гуруҳда  $5,4 \pm 0,31$  см ни ташкил этди. Кўпинча жараён барча деворларни қамраб олди-76 (59,8%), 14 (11,02%) ҳолатда қизилўнгачнинг ўнг ёнбош деворининг шикастланиши қайд этилса, 13 (10,23%) ҳолатда чап ёнбош деворнинг шикастланиши кузатилди, олд деворнинг шикастланиши 13 (10,23%), орқа деворнинг шикастланиши 11 (8,66%) ҳолатда қайд этилди. 79 (62,20%)

ҳолатда жараён қизилўнгачнинг қуйи кўкрак қисмида жойлашса, 48 (37,79%) ҳолатда ўрта кўкрак бўлимида жойлашади.

Тадқиқотларимизда лимфоген метастаз берилишини юқори даражада эканлигини ҳисобга олган ҳолда, қизилўнгач деворига ўсиб кириш чуқурлигига боғлиқ ҳолда, шунингдек ҚҲСни лимфа тугунларига метастазланиш сонига таъсири ўрганилди (3- жадвалга қаранг).

### 3 жадвал

#### Касаллик босқичига боғлиқ ҳолда лимфа тугунларининг шикастланиш даражаси

Босқич (Т символ)	Беморлар сони	Лимфа тугунларининг зарарланиши	
		абс.	%
T <sub>2</sub>	5	1	20
T <sub>3</sub>	117	105	89,7
T <sub>4</sub>	5	5	100
жами	127	111	87,4

T<sub>2</sub> босқичидаги 5 нафар беморда лимфоген метастазланиш сони 20% ҳолатда қайд этилди, T<sub>3</sub> да 89,74%, T<sub>4</sub> да 100% беморда лимфа тугунларининг метастатик шикастланиши аниқланди, бу адабиётлар таҳлили натижасида олинган кўрсаткичларга мос келади ва ҚСни лимфа йўли билан метастаз бериши юқори потенциали фактини тасдиқлайди.

Стандарт лимфодиссекцияни бажариш учун барча минтақавий лимфа тугунлари гуруҳини ташхислаш мақзилўнгач сратонида МСКТ кўриниши таҳлил қилинди. МСКТ маълумотларини ҳисобга олиб бирламчи хавфли ўсма билан шикастланиш даражасига боғлиқ ҳолда катталашган лимфа тугунлари таҳлил қилинди.

Ушбу операцияларни бажаришга кўрсатмалар бўлиб қуйидагилар ҳисобланди: хавфли ўсма жараёнини қизилўнгачнинг ўрта-юқори кўкрак бўлимида жойлашиши, трахея бифуркацияси ва ундан юқорида, яъни қизилўнгачнинг юқори–ўрта кўкрак бўлими даражасида асосий шикастланиш ўчоғи жойлашган беморлар текшириш гуруҳига киритилмади; торакотомияни ўтказишга имкон бермайдиган нафас ва юрак фаолияти кўрсаткичларининг паст бўлишига сабаб бўлувчи йўлдош патологиялар мавжуд бўлганда; бўйин ва ўмров усти худудида лимфа тугунларининг катталашини кузатилганда.

Диссертациянинг «Гибрид видеоассистирланган трансхиатал эзофагэктомия самарадорлигини баҳолаш натижалари» деб номланган тўртинчи боби МГЭнинг асосий мезонларига, анъанавий трансхиатал эзофагэктомия билан солиштирилганда бевосита ва узоқ натижаларни ўрганишга бағишланган. Текширилган гуруҳлардаги натижаларни турли туманлигини олдини олиш мақсадида уларни жинси, ёши, хавфли ўсма катталиги, гистологик типи, жараён босқичи бўйича сохта рандомизацияси ўтказилди. Қиёсий гуруҳлар етарли даражада бир хил бўлди, чунки,

ўрганилган кўрсаткичлар бўйича гуруҳлар орасида статистик аҳамиятли фарқлар мавжуд бўлмади ( $P>0,05$ ). Шундай қилиб, турли усуллар билан уларни даволаш натижаларини қиёслаш тарзида намоён бўлди.

Жарроҳлик амалиётининг ўзига хосликларини қиёсий баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар: жарроҳлик амалиётининг давомийлиги, умумий қон йўқотиш, жарроҳлик амалиётидан кейинги оғриқ синдромининг (визуал-аналог шкала бўйича) намоён бўлиши, қўйилган дренажни ушлаб туриш давомийлиги, эрта жарроҳлик асоратларининг мавжуд ёки бўлмаслиги, жонлантириш ёки интенсив терапия бўлимида бўлиш вақти бўйича ўтказилди. Шунингдек, периферик қон кўрсаткичлари асосий ўрганилиш объект бўлиб хизмат қилади. Узоқ муддатларда: жарроҳлик амалиётидан кейинги қайталанишларнинг юзага келиш вақти ва жарроҳлик ёндошувига боғлиқ ҳолда умр кўриш давомийлиги (4-жадвалга қаранг) кўрсатилган.

#### 4-жадвал

#### Жарроҳлик операциялари натижаларнинг таҳлили

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=74)	Назорат гуруҳи (n=53)	P
Жарроҳлик операцияларининг давомийлиги (дақиқа)	322,57±21,3	343,20±27,8	>0,05
Дренажлаш (кун)	3,5±0,8	5,6±0,5	<0,05
Экссудация (мл)	358,14±30,36	660,2±61,65	<0,001
Жонлантириш бўлимида бўлиш давомийлиги, кунлар	2,1±0,7	2,6±0,6	>0,05
Умумий қон йўқотиш (мл)	361,01±27,5	578,20±32,8	<0,001
Наркотик оғриқ қолдирувчиларни қўллаш давомийлиги (кун)	2,6±0,3	2,8±0,5	>0,05
Беморларнинг касалхонада бўлишининг ўртача вақти, ўрин-кунлар	11,4±1,4	15,2±1,8	>0,05

Қизилўнгачнинг кўкрак бўлимини мобилизация қилиш-жарроҳлик амалиётини босқичи, усулини ўзлаштиришнинг эрта босқичларида жарроҳлик амалиётининг умумий вақти бир соатдан кўпга чўзилди, ўртача 382,9±61,8 дақиқа, усулни такомиллаштириш даражасига кўра умумий вақт 322,6±21,3 дақиқага қисқарди. Анъанавий усулдаги ТХЭда ўртача вақт 343,2±27,8 дақиқани ташкил этди.

Жарроҳлик амалиёти ичидаги ўртача қон йўқотиш: асосий гуруҳда бу кўрсаткич 361,0±27,5 мл, назорат гуруҳида 578,2±32,8 мл ни ташкил этиб, фарқлар ишончли бўлди.

Стандарт ТХЭдаги катта ҳажмдаги қон йўқотишнинг сабаби бўлиб, трахея бифуркацияси соҳасидаги кейинчалик лимфадиссекция билан, қизилўнгач ўрта кўкрак бўлими мобилизациясидаги қон йўқотиш бўлиб ҳисобланади, бунда ажратиб олиш ўткир йўл билан, яъни тўқималарни кесиш кейинчалик қон тўхтатиш билан бажарилди.

Беморларни жонлантириш ва интенсив терапия бўлимида ўртача бўлиш вақти қиёсий гуруҳларда амалий жиҳатдан фарқ қилмади ва ўртача: назорат гуруҳида  $2,6 \pm 0,6$  кунни, асосий гуруҳда эса  $2,1 \pm 0,7$  кунни ташкил этди, фарқ статистик аҳамиятли эмас.

Миниинвазив усулни қўллаш қон компонентлари инфузиясига бўлган талабни пасайтиришга имкон берди, чунки мазкур кўрсаткич бўйича қиёсий гуруҳдаги гемотрансфузиянинг ўртача ҳажми  $562,22 \pm 41,2$  мл ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич бўйича асосий гуруҳда қуйилган қон компонентларининг умумий ҳажмини  $308,48 \pm 37,3$  млгача ишончли пасайиши қайд этилди.

Тадқиқотда иштирок этган беморларда қоннинг умумий таҳлил кўрсаткичлари, беморларни касалхонага келиб тушган вақтида, жарроҳлик амалиёти ўтказилишидан олдин ва кейинги 6-7 кунда ўрганилди.

III- босқичда кенгайтирилган-комбинациялашган операция 117 (92,12%) нафар беморда бажарилди, IV-босқичда 5 (3,93%) нафар беморда амалга оширилди. Медиастенал плевра резекцияси билан кенгайтирилган-комбинациялашган жарроҳлик амалиётида 122 (96,1%), ўпканинг атипик резекцияси-9(7,69%), 4 (25,0%) брахиоцефал веналар, 18 (15,38%), перикард резекцияси, 13 (11,11%)-ҳолатда талоқ дарвозасида тугунларнинг ўсиши натижасида спленэктомия (3 ҳолатда жарроҳлик амалиёти натижасида шикастланиши сабабли); ошқозон ости беши танасининг ясси резекцияси 7 (5,98%) ҳолатларда, талоқ артерияси йўли бўйича тугунларда йирик шикастланишларнинг юзага келиши натижасида ривожланган.

ҚСни жарроҳлик усули билан даволашдаги асоратлар ва ўлим билан яқунланиш ҳолатлари бевосита усулнинг оммавийлиги ва ўтказилган жарроҳлик амалиётининг типига боғлиқ бўлади. Жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларнинг сони ва тузилмаси бир-биридан фарқ қилди (5-жадвалга қаранг), асосий гуруҳда медиастенал қон кетиши учрашини пасайиши, лимфорея, зотилжам, юрак қон томир тизими асоратлари қайд этилди.

Жарроҳлик асоратлар гуруҳини ташкил этди: лимфорея-асосий гуруҳдаги 74 нафар бемордан 4 (5,41%) нафарида, назорат гуруҳида эса 53 нафар бемордан 8 (15,09%) нафарида қайд этилди. Реактив плеврит 8 (10,81%) ва 6 (11,32%) нафар беморларда гуруҳларга мос ҳолда-фарқлар статистик ишончли эмаслигини кўрсатади. Эндоскопик техниканинг қўлланилиши олиб ташланган қизилўнғач қисмининг ўрнидан қон кетишини 7,54%дан 1,35%гача камайишига имкон берди. Медиастенал қон кетиши консерватив йўл билан тўлдирилди.

Юзага келган жарроҳлик асоратлари консерватив усуллар билан ҳал этилган бўлса, жарроҳлик амалиётига боғлиқ бўлмаган асоратлари эса мос бўлган дори-дармонларни қўллаш усули билан даволанди.

## 5-жадвал

### Жарроҳлик операциясидан кейинги асоратлар

Жарроҳлик операциясидан кейинги асоратлар	Асосий гуруҳ (n=74)	Назорат гуруҳи (n=53)	$\chi^2$	P
---	---------------------	-----------------------	----------	---

	абс.	%	абс.	%		
Медиастинал қон кетиши	1	1,35	4	7,54	3,13	>0,05
Реактив плеврит	8	10,81	6	11,32	0,01	>0,05
Лимфоррея	4	5,4	8	15,09	3,39	>0,05
Ритмнинг бузилиши	5	6,75	12	22,64	6,72	<0,01
Зотилжам	7	9,45	14	26,41	6,43	<0,05
операциядан кейинги панкреатит	9	12,16	11	20,75	1,72	>0,05
Жарроҳлик операциясидан кейинги ярани йиринглаши	5	6,75	4	7,54	0,03	>0,05
Бўйин ярасидан қон кетиши	2	2,7	3	5,66	0,71	>0,05

Жарроҳлик амалиётида давомида ўлим билан яқунланиш ҳолатлари қайд этилмади. Жарроҳлик амалиётдан кейинги эрта даврда ўлим ҳолатлари 7%ни ташкил этиб (9 нафар бемор) 6-жадвалда ўлимга сабаб бўлган асоратлар спектри кўрсатилган.

#### 6-жадвал

#### Жарроҳлик амалиётдан кейинги ўлим ҳолати

Асоратлари	Асосий гуруҳи (n=74)		Назорат гуруҳи (n=53)		$\chi^2$	P
	абс.	%	абс.	%		
Панкреонекроз	1	1,35	2	3,77	0,79	>0,05
Уткир миокард инфаркти	1	1,35	1	1,88	0,06	>0,05
Ўпка артерияси тромбоэмболияси	2	2,7	2	3,77	0,12	>0,05

Ўлим билан яқунланишга олиб келган барча асоратлар спектри терапевтик йўналишга таалуқлидир. Тадқиқотда иштирок этган гуруҳларда ўлим кўрсаткичлари фоизлардаги нисбатининг фарқи сезиларли бўлмади.

Қизилўнғач саратонининг босқичларини коррекциялашнинг асосий шарти бўлиб, операция жараёнида олиб ташланган макропрепаратларни майда қисмларгача аниқ гистологик текширув ўтказиш орқали, кенгайтирилган лимфодиссекцияни бажариш ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики лимфодиссекцияни бажаришда кўп сонли муаллифлар (Van Hillegersberg R, Boone J, Draaisma WA, Broeders IA, Giezeman M.J., Borel Rinkes I.H., 2006; Dantoc M. M., Cox M.R., Eslick G.D, 2012) маълумотларига таянган ҳолда, стандарт жарроҳлик амалиёти вақтида ўртача 25-30 тугунни олиб ташланган, кейинчалик уларни майда қисмларгача текширилиб, олинган натижаларнинг 42% кузатувларда интакт деб баҳоланган тугунлар кейинчалик олиб борилган гистологик текширишларда шикастланган деб тан олинган, 8% да эса метастатик баҳоланган тугунлар реактив гиперплазия тугунлари бўлиб чиқди (7-жадвалга қаранг).

#### 7-жадвал



**Лимфатик тугунларни кейинчалик гистологик текшириш билан жарроҳлик амалиёти ичи қиёсий кўриниши**

Гистологик тадқиқотлар	Тугунларнинг микроскопик тасвири			
	Интакт		Зарарланиши	
	абс.	%	абс.	%
Н-негатив	11	10,69	8	7,76
Н+позитив	43	41,89	41	39,8
Жами	54	52,70	49	47,57

Биз, олиб борган тадқиқотларимизда кўп ҳолларда лимфатик тугунларнинг метастатик шикастланишини ташхиси медиастинал лимфоколлекторларни тафтиш қилишда қайд этилди, бу балки лимфатик гуруҳларини жойлашган ўрнини ўзига хосликлари билан айниқса паратрахеал соҳа ва бўйин ўмров усти соҳаси, трахея бифуркацияси даражаси билан боғлиқдир. Бу ўз навбатида лимфодиссекцияни бажаришни талаб этади, у эса кўп ҳолларда даволаш характериға эға бўлади (8-жадвалға қаранг).

**8- жадвал**

**Олиб ташланган лимфатик тугунларни кейинчалик гистологик текшириш билан жарроҳлик амалиёти ичи қиёсий тафтиши**

Параметрлар		Қорин бўшлиғи (n=103)		Кўкс оралиғи (n=103)		Бўйин ўмров усти соҳаси (n=12)	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%
Жарроҳлик амалиёти ичи тафтиши	негатив	72	69,9	56	54,36	9	75
	позитив	31	30,09	47	45,63	3	25
Морфологик тадқиқотлар	негатив	22	21,35	39	37,86	4	33,3
	позитив	81	78,64	64	62,13	8	66,7

*\*Олиб ташланган тугунларнинг умумий миқдори жарроҳлик амалиётлари сони билан мос тушмаслиғи мумкин.*

Асосий гуруҳ беморларининг 10% ҳолатида паратрахеал соҳадан олиб ташланган тугунларда метастатик шикастланишларнинг мавжудлиғи тасдиқланди. Эндоскопик мосламаларни қўллаш паратрахеал соҳада лимфодиссекцияни бажаришға имкон берди, назорат гуруҳида жарроҳлик операциясининг ушбу босқичи бажарилмади. Асосий гуруҳдағи 5 (8,06%) ҳолатларда олиб ташланган бўйин лимфатик тугунларида метастатик шикастланишлар аниқланди. НГ беморларидағи 41 ўрганилган ҳолатдан 7 (17,1%) да ҳам шикастланган тугунлар мавжудлиғи тасдиқланди.

**9-жадвал**

**Тасдиқланган метастатик тугунларни морфологик текширишнинг қиёсий хулосаси**

Лимфа тугунларининг гуруҳлари	Гистологик хулосалар	Р
-------------------------------	----------------------	---

	Асосий гуруҳ (n=62)		Назорат гуруҳи (n=41)		
	абс.	%	абс.	%	
Қорин устунни (9)	7	11,29	3	7,31	>0,05
Чап қоринча артерияси (7)	18	29,03	14	34,14	>0,05
Умумий жигар артерияси (8)	16	25,8	21	51,21	<0,01
Талок артерияси (11)	5	8,06	4	9,75	>0,05
Кичик эгриликлар (3)	12	19,35	15	36,58	<0,05
Катта эгриликлар (4)	4	6,45	3	7,31	>0,05
Паракардиал (1,2)	13	20,96	12	29,26	>0,05
Диафрагмал (111)	12	19,35	14	34,14	>0,05
Қуйи параэзофагеал (110)	17	27,41	16	39,02	>0,05
Ўрта параэзофагеал (108)	13	20,96	17	41,46	<0,05
Бифуркацион (107)	15	24,19	18	43,90	>0,05
Паратрахеал (106)	6	9,67	-	-	<0,05
Ўмров усти (104)	4	6,45	6	14,63	>0,05
Ташқи ва ички чуқур бўйин (101,102)	5	8,06	7	17,07	>0,05

*\*Олиб ташланган тугунларнинг умумий миқдори жарроҳлик амалиётлари сони билан мос тушмаслиги мумкин.*

У ёки бу турдаги амалиёт турига боғлиқ бўлмаган ҳолда, барча беморлар учун жарроҳлик усули билан даволаш ўтказилгандан сўнг 3-4 ҳафта ўтиб, комплекс терапиянинг асосий компоненти бўлиб ҳисобланган, кимё-нурли даволаш ўтказилди.

Қизилўнғач саратонининг ясси хужайрали типи тасдиқлангандан сўнг адъювант тартибида масофавий телегамматерапиянинг тўлиқ курси ўтказилди, бунда олиб ташланган қизилўнғач ўрнини бир марталик 2 Гр дозада нурлантириш (йиғинди умумий доза-40 Гр), кейинчалик лимфа оқими тизимида нурлантиришни ўтказиш (бўйин-ўмров усти соҳасида) СОД 40-60 Гр амалга оширилди.

Олиб ташланган лимфатик тугунларида метастатик ўчоқлар мавжудлиги аниқланганда, яъни АГли 62 нафар беморда ва қиёсий гуруҳдаги 41 нафар беморда 2-4 курс профилактик кимётерапияни ўтказишга кўрсатмалар берилди, бунда цисплатин+фторурацил ва/ёки цисплатин+паклитаксел схемаси бўйича тавсия қилинди. Қизилўнғач аденокарциномасида кўп ҳолларда цисплатин+доцетаксел схемаси қўлланилди.

Қизилўнғач қуйи кўкрак бўлими аденокарциномасида адъювант тартибида 4 дан 6 курсгача кимётерапия ўтказилди.

Бизнинг тадқиқотларимизга киритилган, резектабел беморларда неoadъювант тартибида кимё-нурли даволаш муолажаси ўтказилмади.

Умр кўриш давомийлигининг бошқа башоратли омили бўлиб рецидив аниқлангунча ўтказилган жарроҳлик аралашувидан метастатик ўчоқларни ва/ёки рецидивларни юзага келиш интервали ҳисобланади. Бизнинг

тадқиқотларимизда локорегионар қайталанишни юзага келиши III б ( $T_3N_{1-2}M_0$ ) ва IVа ( $T_{4a-4b}N_{хар\ кандай}M_0$ ) билан жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморлардаги, жарроҳлик аралашувини бошидан ўтказган беморларда қайд этилди. Локорегионар қайталанишни юзага келиш вақти жарроҳлик аралашуви ўтказилгандан 2-3 йил ўтиш орасида аниқланди. Локорегионар қайталанишдан сўнг беморларни юритишга ёндошув ҳар бир ҳолатда алоҳида ўрганилди, энг кўп паллиатив ПХТ, платина асосидаги препаратлар комбинацияси бажарилди (10-жадвалга қаранг).

## 10-жадвал

### Локорегионар қайталанишни гуруҳлар бўйича юзага келиш сони

Босқичлар	Гуруҳлар	
	асосий гуруҳ (70)	назорат гуруҳ (48)
IIIб ( $T_3N_{1-2}M_0$ )n-69	6 (15,78%)	8
IVа ( $T_{4a-4b}N_{гурли}M_0$ ) n-5	2 (66,6%)	2 (100%)

Бизнинг фикримизча, адабиёт маълумотлари билан мос бўлган қайталанишни юзага келиш сабаби, умуртқа билан кўкрак қафаси орасидаги инвазия чуқурлиги клетчатка тузилмасида ва қизилўнгач деворидаги томирлар ва лимфатик тугунларнинг хавфли ўсма инвазиялари перинодал ёки параэзофагеал хавфли ўсма инвазиясининг мавжудлиги ҳисобланади.

Касалликнинг босқичига боғлиқ ҳолда қизилўнгач хавфли ўсмаси билан оғриган беморларни жарроҳлик йўли билан ва комплекс даволаш натижаларини баҳолашда энг аниқ бўлиб, умр кўриш давомийлилик кўрсаткичи бўлишини ҳисобга олган ҳолда, жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган беморларда анъанавий йўл билан МГЭ ва ТХЭдан сўнг умр кўриш давомийлилик кўрсаткичларини баҳолаш ўтказилди.

Жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморлардан 112 нафарида амалиётдан кейин, 6 ойдан 7 йилгача бўлган муддатда касалликнинг узок натижаларини назорат қилиб борилди: бунда асосий гуруҳ беморларидан 67 нафари ва назорат гуруҳидан 44 нафари иштирок этди.

Қўлланилган жарроҳлик операцияси техникасига боғлиқ равишда беморларнинг умр кўриш давомийлиги таҳлил қилинганда, АГ беморларида беш йиллик умр кўриш давомийлиги 30%ни ташкил этди, НГ беморларида эса ушбу кўрсаткич 25% даражасида намоён бўлди, асосий гуруҳда олинган маълумотлар прецизион техника ва паратрахеал гуруҳ тугунларининг олиб ташланиши билан боғлиқ ҳолда яхшиланиши исботланган.

## ХУЛОСАЛАР

«Қизилўнгач саратони жарроҳлигида видеоассистирланган трансхиатал эзофагэктомия» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Функционал кўрсаткичлари паст бўлган беморларда хавfli ўсма жараёнини қизилўнгачнинг қуйи кўкрак бўлимида жойлашишида жарроҳлик амалиётининг танлаб олинган усули бўлиб миниинвазив гибридли эзофагэктомия ҳисобланади, бу усул онкологик мезонларни ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда қизилўнгачни ажратиб олиш ҳамда мос бўлган лимфодиссекцияни ўтказишга имкон беради.

2. Клиник амалиётга миниинвазив гибридли эзофагэктомияни жорий қилиниши, ўртача жарроҳлик амалиётида қон йўқотишни  $660,2 \pm 61,65$  млдан  $361,01 \pm 27,5$  млгача, реанимация бўлимида ўртача бўлиш давомийлигини  $2,6 \pm 0,6$  дан  $2,1 \pm 0,7$  кунгача қисқаришга, плеврал бўшлиқдан экссудация ҳажмини камайишини  $660,2 \pm 61,65$  млдан  $358,14 \pm 30,36$  млгача, плевра бўшлиғини дренажлаш муддатини  $3,5 \pm 0,8$  кунга камайишига имкон беради. Беморларни ҳаётий фаолиятини тиклаш ва дренажларни олиб ташлаш уларни бўлимда бўлиш давомийлигини камайишига (ўрин-кун), шунингдек, бу назорат гуруҳида  $15,2 \pm 1,8$  ни, асосий гуруҳда  $11,4 \pm 1,4$  кунни ташкил этди.

3. Эндоскопик прециозион техникани қўллаш паратрахеал соҳада лимфодиссекцияни бажаришга имкон берди, бунда ажратиб олинган лимфа тугунларида метастатик зарарланишларнинг мавжудлиги тасдиқланди.

4. Жарроҳлик йўли билан даволашда боғлиқ равишда умр кўриш давомийлилик кўрсаткичларида аниқланган турғун корреляцион кўрсаткичлар, миниинвазив гибрид эзофагэктомиядан сўнг беморларнинг беш йиллик умр кўриш давомийлик кўрсаткичи 30%ни ташкил этди, анъанавий жарроҳлик амалиётидан кейинги кўрсаткич эса 25%ни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04.12.2018. Tib.77.01 ПРИ  
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ОНКОЛОГИИ И  
РАДИОЛОГИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**  

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ОНКОЛОГИИ И  
РАДИОЛОГИИ**

**САБИРОВ ДЖАХОНГИР РУЗИЕВИЧ**

**ВИДЕОАССИСТИРОВАННАЯ ТРАНСХИАТАЛЬНАЯ  
ЭЗОФАГЭКТОМИЯ В ХИРУРГИИ РАКА ПИЩЕВОДА**

**14.00.14 – Онкология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ - 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/Tib81**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:** **Кротов Николай Фёдорович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Джураев Миржалол Дехканович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Курбанов Тилла Курбанович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Казанская Государственная медицинская академия (Российская Федерация)**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc.04.12.2018. Tib.77.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии (Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Фароби, 383. Тел.: (+99871) 277-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр онкологии и радиологии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Фароби, 383. Тел.: (+99871) 277-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2019 года).

**М.Н.Тилляшайхов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

**М.Х.Ходжибеков**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Загрязнение окружающей среды, изменение состава атмосферного воздуха, некачественное и беспорядочное питание, чрезмерное употребление табака и алкогольных напитков создаёт условия для развития и увеличение смертности от онкологических заболеваний. Рак пищевода (РП) –занимает 8 место в мире в структуре онкологической заболеваемости. По статистическим данным 2017 года, Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) «...ежегодно выявляется более 14 миллионов новых случаев рака и регистрируется 8 миллионов смертей от этого заболевания...»<sup>1</sup>. Относительная 5-летняя выживаемость больных РП не превышает 10-15%. Отдаленные метастазы РП наиболее часто локализуются в печени, легких, костях. В тоже время, с точки зрения практической онкологии с учетом всех принципов радикальности разработка тактики, технологических решений и малоинвазивных методов хирургического лечения РП является актуальной проблемой данного направления.

В мире проводится ряд научных исследований для достижения высокой эффективности мер, направленных на совершенствование видеоассистированной трансхиатальной эзофаготомии в хирургии рака пищевода. В этой связи важное значение имеет обоснование эффективности абдоминоцервикальной экстирпации пищевода с помощью традиционной операционной техники; разработка метода гибридной видеоассистированной трансхиатальной эзофаготомии, оценка эффективности и результатов метода гибридной видеоассистированной трансхиатальной эзофаготомии, преимуществ и недостатков предложенного хирургического вмешательства на основе влияния ближайших и отдаленных последствий.

В нашей стране определены ряд задач для развития медицинской сферы, повышения качества медицинской помощи населению, правильной диагностики и эффективного лечения злокачественных онкологических заболеваний, повышения эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению, а также формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, пропаганды здорового образа жизни и профилактики заболеваний за счет создания эффективных моделей патронажа и диспансеризации<sup>2</sup>. Данные задачи способствуют снижению распространенности онкологических заболеваний, а также рака пищевода, поднять современную медицинскую помощь на новый уровень в диагностике и лечении онкологических заболеваний среди населения и совершенствования применения современных технологий для качественного медицинского обслуживания.

---

<sup>1</sup>World Health Organization. Cancer: fact sheet no.297. World Health Organization website. 2018. [www.who.int/iris/handle/10665/244872](http://www.who.int/iris/handle/10665/244872).

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП–4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП–5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП–2866 «О мерах по дальнейшему развитию онкологической службы и совершенствованию онкологической помощи населению Республики Узбекистан на 2017 – 2021 годы» от 4 апреля 2017 года, №ПП–3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно–правовых документах, принятых в данной сфере деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

